

АВТОРИТЕТ ЁЗУВЛАРДА КИРИШ НУҚТАСИ ВА УНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ

Г.Э.Зиёдуллаева

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, “Ахборот-кутубхона тизимлари” кафедраси ассистенти

Ушбу мақолада авторитет ёзувларда кириш нуқтаси, уни ташкил этувчи объектлари, авторитет файл структураси, сарлавҳалар классификацияси ҳамда объект-атрибут алоқасининг модели ҳақида маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: *авторитет ёзувлар, авторитет файл структураси, сарлавҳалар классификацияси, объект-атрибут алоқа модели.*

OBJECTIVES AND ACCESS POINTS IN AUTHORITY RECORDS

G.E.Ziyodullaeva

Assistant of Department of Information and Library Systems Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi

This article indicates information about access points, creating objects in authority records, structure of authority files, classification of headings, as well as, model connections between object and attribute.

Keywords: *authoritative records, authoritative file structure, classification of headings, object-attribute communication model.*

Инсоннинг интеллектуал фаолияти ҳар доим бу фаолиятни бир қийматли идентификациялаш ва уларни тизимлаштириш билан боғлиқ бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда авторитет назорат тизимини, автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимларидаги библиографик тавсиф элементларини идентификациялаш воситаси сифатида қараш мумкин. Библиографик ёзувдаги кириш нуқталари икки асосий функцияни: библиографик ёзувни топиш ва бир хил характеристикага эга бўлган ёзувларни гуруҳларга ажратишни бажаради. Биринчи функцияни бажариш учун кириш нуқталари қабул қилинган бир хилдаги шаклга келтирилиши шарт, авторитет назоратнинг бу қисми луғатлар бўйича назорат деб юритилади.

Авторитет ишнинг энг муҳим ташкил қилувчиси бу - кириш нуқталарининг стандарт шаклдан ташқари, барча вариантлар ва боғланган сарлавҳалар (ҳаволалар “қаранг” ва “шунингдек ... га ҳам қаранг”) [1], аввал фойдаланилган шакллар, ахборот олинган манбалар тўғрисидаги авторитет ёзувларни (АЁ) шакллантиришдир. Авторитет ёзувлар мажмуига авторитет файл (АФ) дейилади. Кириш нуқталарини стандартлаш (луғат бўйича назорат) ва уларни ягона тузилмага боғланишлар орқали бирлаштириш бу – авторитет назорат таянган икки устундир. Уларнинг бирлашмаси каталоглаштириш ва библиографик ресурсларга самарали киришни таъминлайди.

Авторитет файл яратиш бу фойдаланувчи учун ҳам, кутубхоначи учун ҳам самарали иш жараёнини таъминлаб берувчи омилдир. Автоматлаштирилган ахборот тизимида ишлаш учун авторитет маълумотлар базасининг аҳамияти катта бўлиб, бу улкан иш саналади. Авторитет маълумотлар базаси библиографиялаш ва каталоглаштириш жараёнида, ахборот-кутубхона фаолиятида, нашриёт фаолиятида, китоб савдода ва ахборот фаолиятида ишлатилади.

Халқаро тажрибага таянган ҳолда норматив кириш нуқтаси учун авторитет файллар тузилади ва буни республикамиз ахборот-кутубхона муассасалари учун ҳам тадбиқ этсак мақсадга мувофиқ бўлади.


Кириш нуқтаси ўзида қайсидир объект идентификацияси учун расмий қабул қилинган ёки номнинг вариант формасини шакллантиради.

Шундай экан, норматив кириш нуқтаси сифатида қуйидаги объект номларини танлаб оламиз: шахс, авлодлари, ташкилот, асар, ифода (кўриниш), нашр (тимсол), физик бирлик, концепциялар, предметлар, воқеа ва жой[2]. Буни эса қуйидагича шакллантириш мумкин:

Авторитет категориялари	файл	Кириш нуқтаси
Номларнинг АФИ		Шахс номи, ташкилот номи, авлодлар номи, унифицирланган сарлавҳа
Серия сарлавҳаларининг АФ		Серия сарлавҳалари
Предмет АФ		Турли тоифа предмет рубрикалари
Классификацион АФ		Классификацион индекслар

1-жадвал. Кириш нуктасининг ўзаро боғланувчи объектлари

Авторитет файл ўзида ёзувлар мажмуини акс эттиради: қабул қилинган сарлавҳа формаси ҳақида, сарлавҳанинг вариант формаси, бошқа типдаги параллел формадаги сарлавҳа, авторитет сарлавҳаларнинг ўзаро боғланиши ҳақидаги ёзувлар. Авторитет файл тузилмаси:




1-расм. Авторитет файлда авторитет ёзув тузилмаси

Ҳар бир ёзувнинг ички функциясида келиб чиқиб сарлавҳалар куйидагича классификацияланади:



2-жадвал. Библиографик сарлавҳалар классификацияси

Замонавий ахборот технологияларининг ривожидан келиб чиқиб эса кириш нуктасининг объект ва алоқа модели қуйидагича бўлади:



2-расм. Авторитет маълумотларнинг концептуаль модели

Кириш нуктасининг ўзаро боғланувчи объектларининг тавсифлари:

№	Объект номи	Тавсифи
1	Шахс	Шахс томонидан ва шахслар гуруҳи томонидан яратилган ёки қабул қилинган шахс. Бир нечта номдан фойдаланиб, шахс томонидан яратилган ёки қабул қилинган шахсларни (масалан, шахснинг ҳақиқий исми / ёки битта ва бир нечта тахаллусни) (масалан, Абдулла Қодирий – Жулқунбой, Обид кетмон тахаллусдир) ўз ичига олади. Иккита ёки ундан ортиқ шахслар томонидан яратилган ёки бир жойга тўпланган асарларни қамраб олади.
2	Авлод/оила	Икки ёки ундан ортиқ шахс, фуқаролик бирлашмаси, никоҳ, фарзандликка олиш, ёки шунга ўхшаш ҳуқуқий мақом билан боғлиқ бўлган ўзга оила сифатида ўзини намоён қиладиган бошқа шахслар, сулолалар ва бошқаларни акс эттиради. Умумий наслга эга бўлган шахслар гуруҳларини ўз ичига олади. Оила аъзолари (ота-оналар, болалар, неваралар ва бошқаларни)
3	Ташкилот	Бир бирлик сифатида иштирок этувчи, муайян ном остида идентификацияланган, ташкилот ёки шахс /ташкилот гуруҳини ўз ичига олади. Йиғилишлар, конференциялар, конгресслар, экспедициялар, кўргазмалар, ярмаркаларни ўтказиш ташкилотлари сифатида келади. Давлат, маҳаллий ҳокимият каби маълум бир ҳудудда давлат функцияларини бажарадиган ёки уларга ваколат берилган ҳудудий органлар вазифасини бажарувчи ташкилотларни, мавжуд бўлмаган ташкилотлар ва гуруҳларни ҳамда ўз фаолиятини давом эттираётганларни ўз ичига олади. Шунингдек, асар чикқан жойдаги нашриётларни ҳам ўз ичига олади.
4	Асар	Алоҳида интеллектуал ёки бадиий ижод маҳсули. Асар ўз ичига компьютер дастурлари, маълумотлар, уч ўлчовли асарлар, картографик асарлар, ҳаракатланувчи тасвирлар, фотографик асарлар, график асарлар, мусика асарлари, оғзаки ва ёзма асарлар шу билан бирга ҳуқуқий ва диний асарларни ўз ичига олади.
5	Ифода	Интеллектуал ёки алфавит-рақамли, нотали, хореографик ёзувлар, товуш, тасвир, расм, предмет, ҳаракатли ва бошқа шаклдаги бадиий асарлар. Муайян сўзлар, гаплар, параграфлар ва бошқа матн шаклдан реализация қилинган асарларни акс эттиради.
6	Нашр/тимсол	Асар ифодасининг физик наشري (тимсол) PDF ва MP3 форматли файллар, мультимедиялар, DVD, CD-ROM дисклардаги ёзувлар, видеоёзувлар, кинофильмлар, овозли ёзувлар, плакатлар, географик карта, вақтли нашрлар, китоб шаклдаги нашрларни ўз ичига олади.
7	Физик бирлик	Нашр (Тимсол)нинг бир нусхаси. Бир нечта физик объектдан ташкил топган нусха (битта том, битта кассета ва бошқалар)
8	Концепция	Мавҳум тусхунча ёки ғоя. Илмий мактаб (фалсафа, дин,сиёсий идеологик) фанлари ва билимлар соҳасини ҳамда уларга оид кўрсатмалар, технологиялар, жараёнлар, назарияларни ўз ичига олади.

9	Предмет	Моддий предмет. Табиатда мавжуд жонли ва жонсиз нарсаларни ўз ичига олади.
11	Воқеа-ҳодиса	Воқеа ҳодисанинг рўй бериши Тарихий ҳодисаларни, даврларни ўз ичига олади.
12	Жой	Манзил. Тарихий ва замонавий жойлар, жойлашган ўрни ва жойини билдиради. Жой географик ва геополитик характерга эга бўлади.
13	Исм/ном	Белги ёки сўзлар гуруҳи/белгиларини ва машҳур асарлар сарлавҳаларининг нашри (тимсол) ва ифодасини билдиради. Ҳақиқий номлар, шахс номлари, тахаллуслар, фамилиялари, диний номлар, исм ва отасининг исми, сулолавий номлар шунингдек, ҳарфлар, рақамлар ва белгиларни ўз ичига олади. Турли тарихий даврларда ишлатиладиган ташкилот номларини ўз ичига олади. Уюшмалар, институтлар, савдо фирмалар, ноτιжорат ташкилотлари ва Ҳукуматлар, давлат органлари, лойиҳалар, дастурлар, делегациялар, қонун чиқарувчи органлар, қуролли кучлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Кўргазмалар номлари, спорт мусобақалари, экспедициялар, ярмаркалар, фестиваллар номлари ҳам киради. Ташкилотлар ва тегишли ташкилотларнинг бўлинмаларининг номларини ўз ичига олади. Ташкилот номи ёки воқеа номининг ажралмас қисмини ташкил этувчи рақамларни, Товар белгиларини ўз ичига олади. Контент сарлавҳаси, унинг қисмлари, контент тўпламлари, Асарнинг дастлабки таҳрир нашри сарлавҳасини, асосий манбаларда идентификацияланган сарлавҳаларни, нашр этилган асарларни, асл номда қўлланилган сарлавҳани ҳамда варианли сарлавҳаларни ўз акс эттиради.
14	Идентификатор	Сана, код, сўз, фраза, логотип, эмблема ва бошқалар. Давлат идоралари томонидан белгиланадиган ижтимоий хавфсизлик кодларининг сони каби идентификаторларни, рўйхатга олиш хизматлари томонидан тайинланган шахсий идентификаторларни, тайинланган ташкилот идентификаторини (масалан, ношир томонидан тайинланган ISBN рақами) ўз ичига олади. Контентни идентификациялаш учун рўйхатдан ўтиш хизмати томонидан тайинланган стандарт идентификаторни ўз ичига олади. Тимсол (нашр) идентификацияси учун рўйхатга олиш хизмати томонидан берилган стандарт идентификаторни ўз ичига олади (масалан, ISSN, ISBN рақамлари). Нашриётлар томонидан нашр каталоги ёки мавзули каталог бўйича тартиб рақам, системали каталог индексларини ўз ичига олади. Белигиланган индексларни физик бирлик учун идентификаторларини билдиради. Муайян объект учун белгиланган классификация индексларини (масалан, алоҳида рассомлик маҳсулоти учун яратилган классификация индексини) ва рўйхатга олинган товар белгисини ҳам ўз ичига олади.
15	Назорат қилинадиган	Ҳавола ёки авторитет ёзув ва библиографик қидирувни амалга ошириш учун зарур Ном, атама, код ва бошқалар.

	кириш нуқтаси	<p>Ҳар иккиси ҳам қабул қилинган номлар схақллари (яъни, қабул қилинган кириш нуқталари) ва исм шакллариинг варианты сифатида яратилган кириш нуқталарини ўз ичига олади.</p> <p>Ташкилот номлари ва авлодлар номлари, шахс номлари асосида кириш нуқтасини англатади.</p> <p>Физик бирлик ва нашр (тимсол), ифода, асар сарлавҳалари асосида кириш нуқтаси шакллантирилади.</p> <p>Икки кириш нуқтасининг комбинацияси сифатида, асар номи учун қабул қилинган кириш нуқтасини боғлаш, яратувчи номи учун қабул қилинган кириш нуқтасини шакллантириш, асар учун “яратувчи-сарлавҳа” тизимидаги кириш нуқтасидан фойдаланишни ўз ичига олади.</p>
16	Қоида	<p>Назорат қилинадиган кириш нуқтасини шакллантириш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалар, қўлланмалар.</p> <p>Булар каталоглаштириш ва шарҳлаш қоидаларини, кодлаш ҳақидаги келишувни ўз ичига олади.</p>
17	Муассаса	<p>Назорат қилинадиган кириш нуқтасини яратиш ва ўзгартириш учун масъул муассаса.</p> <p>Ташкилот уни яратган ёки фойдаланадиган қоидаларни қўллаш ва шарҳлаш учун масъулдир. Ташкилот ўз фаолият доирасида идентификаторларни яратиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун жавобгардир. Кутубхоналар, миллий библиографик ташкилотлар, хизматлар, консорциумлар, музейлар, архивлар, ҳуқуқларни бошқариш ташкилотлари ва бошқаларни ўз ичига олади.</p>

3-жадвал. Ўзаро боғланувчи объектлар тавсифлари

Ўзаро боғланувчи объектларнинг қабул қилинган норматив шаклини танлаб олиш автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимида каталоглаштириш ишларини бир мунча енгиллаштириш имконини беради. Балки каталоглаштириш жараёнида библиографик ёзувларни автоматик боғланишини таъминлаш воситасини яратади. Библиографик ёзувларнинг сифатини оширишга ҳамда библиографик ёзувларнинг дублет нусхаларини аниқлашга ёрдам беради. Кириш нуқтаси эса фойдаланувчига бир вақтнинг ўзида бир неча қидирув имкониятларини яратади ва бир неча хил ахборотни олишда муҳим функцияни амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Функциональные требования к авторитетным данным: концептуальная модель: заключительный отчет, декабрь 2008 / под ред. Гленна Е. Патона; Рабочая группа ИФЛА по разработке функциональных требований к авторитетным записям и их нумерации (FRANAR); одобрено Постоянными комитетами Секции по каталогизации и Секции по классификации и индексированию ИФЛА, март 2009; Междунар. федерация библиотеч. ассоц. и учреждений, Рос. библиотеч. ассоц. ; [пер. с англ. О.А. Лаврѐнова].- Санкт-Петербург: Российская национальная библиотека, 2011. - 115 с.: илл., граф.
2. Functional requirements for bibliographic records : final report / IFLA Study group on the Functional Requirements for Bibliographic Records. München : K.G. Saur, 1998.Guidelines for authority records and references / revised by the Working Group on GARE Revision. Second yedition. München : K.G. Saur, 2001.